



ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИНИНГ ҲОЛАТИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ

Хўжаназарова Мақсуда Муҳаммадевна

IV Академияси мустақил изланувчи

Аннотация: Ҳозирги вақтда аёллар жиноятчилиги муаммоси нафақат олимлар, ҳуқуқшунослар ва амалиётчилар, балки кенг жамоатчилик эътиборини тортмоқда. Негаки, бугунги кунда, хотин-қизлар жиноятчилигининг кен тарқалиши, бунинг натижасида, ҳар йили маҳкум аёллар сонининг кўпайиши кузатишмоқда. Мазкур мақолада хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, уларнинг олдини олиш, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда хотин-қизлар жиноятчилигининг бугунги кун ҳолати ва кўрсаткичларининг умумназарий амалий таҳлиliga доир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, жиноятчилик, жиноятчилик сабаблари, статистика, тадқиқот, профилактика, таҳлил, ечимлар, “Аёллар дафтари”, Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури, “Бизнес аёллар”.

Инсоният тарихида жиноят деган салбий ижтимоий ҳодисага қарши доимо курашиб келинган. Бу масала мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳам муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ҳоят мураккаб бўлган ўтиш даврида қўрилган кескин чоралар туфайли мамлакатимизда жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга, айрим турдаги жиноятларнинг содир этилишини камайтиришга эришилди.

Зеро, мустақиллик йилларида бу йуналишда бир қатор ишлар олиб борилди. Жиноятларнинг содир этилишига асосий сабаблардан бири этиб хотин-қизларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишини айтиб ўтишимиз жоиз. Бундай хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, моддий жихатдан қийналган аёлларга қашшоқликдан чиқишларига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 март кундаги 145-сон “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ “Аёллар дафтари” жорий этилди.

“Аёллар дафтари” -ижтимоий-ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, керакли билим ва куникмаларни эгалашга эҳтиёжи бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, ўрганишва назоратни олиб бориш бўйича маълумотлар базасидир. “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган 6 тоифадаги хотин-қизлар жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд, боқувчиси бўлмаган



эҳтиёжманд, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд ва яна бошқа тоифадаги эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилади.

Ўз қобилиятини намоён этиш имкониятининг йўқлиги, ишсизлик, турмуш даражасининг пасайиши, шунингдек оилавий қадриятларга қизиқишнинг сусайиши шунга олиб келмоқдаки, хотин-қизлар баъзан тирикчилик учун маблағлар топишга уриниб, жиноят йўлига кирмоқдалар. Тўғри, жиноятчи хотин-қизлар кўпинча товламачилик, фирибгарлик, ўғрилик, харидорларни алдаш каби жиноят турларини танлайдилар. Аёллар томонидан содир этилган умумий жиноятларнинг ҳар тўртинчиси фирибгарлик (23,3% ёки 1.348 таси), қарийб ҳар иккинчиси ўғрилик (13,1% ёки 761 таси) ташкил этган. Талончилик ва босқинчилик жиноятларида улар кам иштирок этадилар. Бироқ йилдан йилга вазият ўзгармоқда ва хотин-қизлар эркакларни «қувиб етмоқдалар».

Хотин-қизлар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўтган 5 йил мобайнида, яъни 2018-2022 йиллар оралиғида жиноятчилик сурати пасаётганлигини кўзатишимиз мумкин.

Мисол учун, 2018 йил якунига кўра, Тошкент шаҳрида аёллар томонидан содир этилган жиноятлар республика бўйича содир этилган жиноятларнинг 12,2%ни, 2019 йилга келиб 12,1%ни ташкил этди. 2018 йилдан 2019 йилга келиб аёллар томонидан содир этилган жиноятлар Тошкент вилоятида 12,8%дан 11,8%га, Самарқанд вилоятида 14,0%дан 11,0%га, Сирдарё вилоятида 9,5%дан 9,8%га, Наманган вилоятида 13,0%дан 10,2%га, Фарғона вилоятида 14,5%дан 12,8%га ва республика миқёсида эса 13,6%дан 2019 йилга келиб 11,8%га пасайишига эришилди. Бу рақамлар албатта юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижаси десак муболаға бўлмайди⁵³.

Юқоридаги рақамлар бир қарашда кўп кўринмаслиги мумкин, бироқ юртимиз келажаги саналмиш ёш авлод тарбиясига маъсул бўлган аёлларни кўз олдимизга келтирсак, бу фикрнинг нотўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Негаки, оилада она жиноят содир этган бўлса, унинг жазони ўташ даврида кўп ҳолларда фарзандлари назоратсиз қолишига олиб келади, бу эса вояга етмаганлар жиноятчилигининг ошишига олиб келиши мумкин.

Жиноят содир этган аёллар сонининг жиноятлар тури бўйича тақсимланганда, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга қасд қилиш жинояти 2018 йилда 0,7%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб эса 0,8%ни ташкил этган, қасддан баданга оғир жароҳат етказиш жинояти 1,4%дан 14,5%га, товламачилик 0,7%дан 1,0%га, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар 16,3%дан 20,5%га ва безорилик 1,4%дан 1,6%га ошганлиги, шу билан бирга ўғрилик 10,6% дан 10,1%га, талончилик ва босқинчилик 0,6%дан 0,3%га, безорилик

⁵³ ИИВ Ахборот таҳлилий маркази ахборотномаси.2020-2021 йиллар.



1,4%дан 1,6% ҳамда бошқа турдаги жиноятлар 50,1%дан 44,0%га камайганлигини куришимиз мумкин⁵⁴.

Статистик маълумотларни ўрганиш жараёнида, 2022 йилга келиб бу кўрсаткичларнинг йилдан йилга пасайиб бораётганлиги қувонарлидир. 2019 йилдаги аёллар содир этган жиноятларнинг умумий жиноятлар сонига нисбатан улуши 2020 йилда қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга қасд қилиш жинояти 0,7%га, 2021 йил 0,6%га ва 2022 йилга келиб 0,3%га камайганлигини, қасддан баданга оғир жароҳат етказиш жинояти 2019 йил 1,4%ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 1,5%га ошганлигини, бироқ 2021-2022 йилларда 1,0%га тушганлигини, товламачилик 2020-2022 йилларда 0,8га, ўғирлик 2019 йилга нисбатан 2020 йил 11,0%га, 2021 йил 15,1%га ошганлигини, бироқ 2022 йилга келиб 13,5%га пасайганлигини, талончилик ва босқинчилик 2020 йилда 0,7%га, 2021 йил 0,8%га ошганлигини, 2022 йил 0,6%га камайганлигини, фирибгарлик 2020 йилда 19,2%, 2021 йилда 23,5% ошганлигини ва 2022 йил келиб 21,5%га камайганлигини ҳамда бошқа турдаги жиноятлар 2020 йил 43,3%ташкил этган бўлса, 2021 йил 37,2%га ва 2022 йилга келиб 35,3%га камайганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз⁵⁵.

Эътибор берадиган бўлсак, нозик жинс вакилаларининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этишлари кўплаб учраётганлигини кўришимиз мумкин. Бунга асосий сабаб деб ёш аёлларнинг ва қизларнинг осон йўллар билан бойиб кетишга интилишлари, бу мақсадга эришиш учун эса ғайриқонуний, енгил-елпи йўлларни танлашларини айтиш мумкин. Бойлик орттиришга интилишнинг салбий жихатлари ҳам кўп, мисол учун бу жамиятда инсонларнинг моддий таъминланганлигига кўра табақалинишига олиб келади.

Моддий бойлик орттириш мақсадида жиноят содир қилган хотин-қизлар наздида бойлик бу жамиятда инсонни юқори мавқеини эгаллашга ва ҳар хил имтиёзларга эга бўлишга ёрдам беради. Тўғри буни инкор этиб бўлмайди, аммо инсоннинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, бойлик орттиришининг тўғри ва қонуний йўллари мавжуд бўлиб, юртимизда бунинг учун кўплаб имкониятлар яратилган. Афсуски, ёш хотин-қизларимиз эртасини ўйламай шошма-шошарлик қилиб, бойлик орттириш илинжида ноқонуний йўллардан кетаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Илмий адабиётларда бу масала илгари ҳам кўтарилган эди. Масалан, Ю.М.Антонян таъминланмаган ва кам таъминланган оилаларда ёш аёллар ва қизлар яхши кийиниш ҳамда бошқа зарур ва нуфузли буюмларга эга бўлиш имкониятига эга эмаслиги, бунинг натижасида улар ўзини камситилган ҳис қилиши, уларда юқорида зикр этилган неъматларга эга бўлган шахсларга нисбатан ҳасад, баъзан ҳатто нафрат туйғулари уйғониши, бу уларнинг

⁵⁴ ИИВ Ахборот таҳлилий маркази ахборотномаси.2020-2021 йиллар.

⁵⁵ ИИВ Ахборот таҳлилий маркази ахборотномаси.2020-2021 йиллар.



ўғрилиққа қўл уриши, фоҳишалик билан шуғулланишига туртки беришини қайд этган⁵⁶.

Республикамизда умумий хотин-қизлар 17 527 126 нафарни ташкил этса, улардан 2022 йилда 6 696 нафари жиноят содир этган аёллар улушига тўғри келиб, булардан 18 ёшгача бўлган хотин-қизлар 106 нафарни, 18-30 ёшгача бўлганлар 1 538 нафарни ва 30 ёшдан юқори аёллар 4 829 нафарни ташкил этади.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳозирги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим бўлган масаладир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноят содир этаётган хотин-қизларнинг асосий тоифасини бандлиги таъминланмаган, доимий иш ўрнига эга бўлмаган хотин-қизлар ташкил этмоқда.

ИИВ Ахборот маркази тақдим қилган маълумотномага эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йилда ишсиз хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 1226 нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2021 йил билан солиштирганда (1074 нафар) 152 тага яъни 14,2% га ошганлигини кўрсатади⁵⁷.

Бундан келиб чиққан ҳолда, нафақат хотин-қизлар балки аҳолининг барча қатламини бандлигини таъминлашга доир чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш лозимлигини айтиш эътиборга молик жиҳат сифатида эътироф ўтиш ўринли ҳисобланади.

Жумладан, 2020 йилда жиноятлардан жабр кўрган жами аёлларнинг салмоғи кўрсаткичи бўйича Фарғонада 24,5 %, Тошкент шаҳрида 10,3 %, Самарқандда 9,5%, Тошкент вилоятида 9,0 %, Бухоро ва Қашқадарёда 8,8 %, Наманганда 7,3 %, Андижонда 7,0%, Навоийда 5,1%, Жиззахда 2,9%, Сирдарёда 2,1 %, Сурхондарёда 1,8%, Хоразмда 1,7%, Қорақалпоғистонда 1,4 %ни ташкил этган.

2021 йилда Сирдарёда 14,3%, Тошкент шаҳрида 12,0%, Тошкент вилоятида 11,5%, Наманганда 11,1%, Навоийда 9,0%, Қашқадарёда 6,9%, Самарқанд ва Андижон вилоятларида 5,6%, Фарғона ва Бухорода 5,0%, Жиззахда 4,1%, Хоразмда 3,8%, Сурхондарёда 4,0%, Қорақалпоғистонда 2,0% жиноятлар аёлларга нисбатан содир этилган.

Ижтимоий хавfli қилмиш йўналганлиги натижасида жигоятчиликдан жабрланган хотин-қизлар кўрсаткичи қуйидагича қайд этилганлигини кўришимиз мумкин: 2022 йил 7 ойида республика бўйича жами 19.300 нафар хотин-қизлар жинoий (1.695) ва маъмурий (МЖТКнинг 40, 41, 46, 52 ва 183-моддалари) ҳуқуқбузарлик (17 605 нафар) ҳатти-харакатларидан жабрланган.

Жумладан, жиноятлардан жабрланганлар таркибини 1.695 нафари хотин-қизларнинг 4,9 (84) фоизи вояга етмаган, 31,3 (530) фоизи ёш хотин-қизлар, 63,7 (1.081) фоизи 30 ёшдан юқори бўлганлар, 54 (916) фоизи ишсиз ва уй бекалари

⁵⁶ Антонян Ю.М. Преступность женщин // Социалистическая законность. № 7. 1991. –С. 20.

⁵⁷ ИИВ Ахборот тахлилий маркази ахборотномаси. 2020-2021 йиллар.



ташкил этди. Бу кўрсаткичларда ҳам кўзга ташланаётган муаммолардан бири бу ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахслар таркибидан иборат бўлмоқда.

Таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жинойатчилигининг асосий сабаблари сифатида, *биринчидан*, жамиятдаги ўсиб бораётган қийинчиликлар, эртанги кунга ишончсизлик, ҳаётнинг янги синовларига чидай олмаслик, яъни уларнинг иродасизлиги; *иккинчидан*, хотин-қизларнинг оилада бола тарбияси билан бирга оила бошқаруви ҳам елкасида эканлиги; *учинчидан*, жамиятимиздаги айрим ҳолатлар халқимизда “оила муқаддас” деган қадриятларни йўқолиб бораётганлиги; *тўртинчидан*, муқаддас Шарқ хотин-қизларига айрим “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларининг кучайиб бораётганлиги деб ҳисоблаймиз.

Мазкур ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида, Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари томонидан маҳаллаларда ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли, шу жумладан хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойатларнинг барвақт олдини олиш ҳамда турли салбий иллатларга қарши курашиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур дастур доирасида, пойтахтимизда асосан хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шерикчилик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилиши, пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилиши назарда тутилган.

Ислоҳотлар жараёнида яна шуни ҳам адоҳида эътироф этиш ўзринли: Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида:

янги ўқув йилидан бошлаб, таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилиниши. Бунинг учун, жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилиши.

Бундан ташқари: келгуси ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланиши;

Жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши;

Мономарказлар ва олийгоҳлар қошида Малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш, аёлларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитиш бўйича



кўрсатмалар берилиши билан боғлиқ жараёнларини санаб ўтар экан бу ҳам ўз навбатида юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала эканлигидан далолат беради десак, асло муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилиниши ва унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилади. Аёллар учун тадбиркорлик курслари ташкил этилади, имтиёзли кредитлар берилиши ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Шулар қаторида, аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилиниши, ўз бизнес фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бугун аёлларимиз барча соҳаларда илғор ва ташаббускор жамият иштирокчиси сифатида ўзларини намоён қилмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам барча соҳаларда хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда аёлларимизнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда. 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда.⁵⁸ Ушбу кўрсаткичлар орқали аёлларнинг бугунги кунда давлат сиёсатидаги ўрнининг юксалиб бораётганлигини англаш қийин эмас. Чунончи, аёллар ва хотин-қизларнинг айна давр мобайнида давлат ва жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш орқали уларнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилашга, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларига замин яратиб бермоқда десак, асло муболаға бўлмайди.

Давлат сиёсатида хотин-қизлар ва аёллар масалалрига оид амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар қайси йўналиши уларнинг барқарор ҳаёт кечиришлари ва улар ҳаётида юз бериши мумкин бўлган салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view>.
2. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 1 июль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига

⁵⁸ <https://president.uz/uz/lists/view/6014> (Президент Ш.М.Мирзиёев 08.03.2023 й халқаро-хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқидан)



бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 1 сент.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 ноябрь куни ўтказилган жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 21 нояб.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 январь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 30 декабрь.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 221-м.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 15. – 243-м.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 22 февралдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 137-сон буйруғи // URL: <http://www.lex.uz>.

2. Монография, илмий мақола, илмий тўпламлар:

14. Абдурасулова Қ.Р. Хотин-қизлар жинойтчилигининг жинойт ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.

15. Лунеев В.В. Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции. Предисловие академика Российской академии наук В.Н.Кудрявцева. – М.: издательство НОРМА, 1999. – 516 с.